



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 35 (14,138) 31 АВГУСТ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



@Toshkent_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi_24

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!



АНОНС



ДЕПУТАТЛИК
КАСБ ЭМАС



ТАЛАБАЛАР
УЧУН ПОЙТАХТДА
ЁТОҚХОНАЛАР
ЕТАРЛИ...МИ?



ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА
ЯНГИ МАВСУМ
БОШЛАНМОҚДА

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДАН 9 ТА ҚЎШИМЧА АВТОБУС ЙЎНАЛИШИ ОЧИЛАДИ



4 сентябрь санасидан Республикаимизда навбатдаги ўқув йили мавсуми бошланиши муносабати билан, Тошкент шаҳридаги йўловчилар ташиш узлуксизлигини таъминлаш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида, бугунги кунда ишга чиқарилаётган 1464 та автобуслар сонини 1550 тагача ва бажариладиган қатновлар сонини 21,7 мингтадан 22,8 мингтага ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, сентябрь ойи давомида қўшимча яна 9 та янги автобус йўналишларини ташкил қилиш режалаштирилган.

Маълумот учун, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги 8 та автобус саройлари томонидан 158 та автобус йўналишларида хизмат кўрсатилмоқда. Режа бўйича кунлик ишга чиқариладиган автобуслар сони 1464 та, бажариладиган қатновлар сони 21,7 мингта белгиланган.

“UZBEKISTAN AIRWAYS”ДА НАВБАТДАГИ AIRBUS A329




Куни кеча Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида навбатдаги Airbus A329neo самолёти тантанали равишда кутиб олинди. Ўрта масофага парвоз қилиш учун мўлжалланган авиалайнер узоқ муддатли лизинг асосида China Aircraft Leasing Group Holdings Limited (CALC) компаниясидан сотиб олинган. Ҳаво кемаси Куала-Лумпурдан етиб келди. Авиакомпания янги ҳаво кемасидан Тошкент шаҳри ва республика вилоятларидан амалга ошириладиган авиақатновларда фойдаланишни режа қилган. Лайнер ўз рақобатчиларидан 50%га кам карбонат ангидрид чиқариш даражаси энг экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Самолёт 168 ўринга мўлжалланган.

СЕНТЯБРДАН ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?



Юридик олийгоҳ талабаларига ишлашга рухсат берилади

Олий таълим муассасаларининг битирувчи талаба-юристарига ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида фаолият юритишга рухсат берилади.



Болалар учун музейларга кириш бепул бўлади

18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос объектларига, жумладан кўرғазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириш тартиби жорий этилмоқда.



Давлат иштирокидаги корхоналар депозит учун банкларни аукцион орқали танлашади

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш пул маблағларини депозитга жойлаштириш бўйича тижорат банклари ўртасида фоиз ошиб бориш тарзда банк капитали етарлилиги, банк капиталининг унинг мажбуриятларига нисбати, ликвидлилик коэффициенти каби шартларни назарда тутган ҳолда аукцион савдолари ўтказилади.



Таълим тизими ислоҳоти

Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларининг умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини текшириш ва таълим сифатини баҳолаш бўйича ваколатлари бекор қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида энг тажрибали директорлардан иборат бўлган Директорлар кенгашлари тузилади.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

Мактабларнинг 1-4-синф ўқувчиларига бошланғич, 5-9-синфларида таянч ҳамда 10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган билимларни беришга йўналтирилган ўқув дастурлари жорий этилади;

бошланғич синфларда информатика фани, ўрта синфларда эса ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган дарслар жорий этилади;

барча фанлар бўйича амалий машғулотлар улуши 60%га етказилади. Бунда, дарслардаги мавзулар аниқ муаммони ҳал қилиш орқали ўргатилади, амалиёт дарслари эса лойиҳани бажариш шаклида ўтказилади.



Бюджет ташкилотлари қуёш бата- реялари ўрнатишга мажбур бўлишади

Бюджет ташкилотларига қуёш панели ва иссиқ сув коллекторини ўрнатиш мажбурияти юклатилади ҳамда 2026 йилга қадар уларнинг бинолари энергия истеъмолининг 60 фоизи «яшил энергия»га босқичма-босқич ўтказилади.



Ҳайдовчилик гувоҳномалари алмаштиришнинг сўнги муддати келмоқда

Хусусан, ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар:

2013–2015 йилларда берилган бўлса – 2023 йил 30 сентябргача;

2015 йилдан кейин берилган бўлса – 2023 йил 31 декабргача алмаштирилиши зарур.



Туристик соҳада талаблар соддалаштирилмоқда

Қуйидаги талаблар бекор қилинади:

Турагентларнинг электрон тўловлар, брон қилиш хизматларини кўрсатадиган камидан иккита хорижий тилдаги веб-сайтга эга бўлиши;

туроператорларнинг электрон тўловлар хизматларини кўрсатадиган веб-сайтга эга бўлиши.



Ногиронлиги бўлган шахслардан тиббий хулоса талаб қилинмайди

Ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда ногиронлиги бўлган шахслардан тиббий хулоса талаб қилиш бекор қилинади. Тиббий хулоса тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан «Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизимига киритилади.



ИИБ ходимлари мунтазам малака оширишади

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимлари ушбу соҳаларда хизматни давом эттиришлари учун ҳар уч йилда ИИБ Малака ошириш институтида малака оширишлари лозим бўлади.

Инвестиция мажбуриятлари бўйича талаблар соддалаштирилмоқда

Кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари хусусийлаштирилганлиги тўғрисидаги давлат намунасидаги ордер ва сертификат Давлат



хизматлари марказлари ва (ёки) ЯИДХП орқали QR-код қўйилган ҳолда берилади.

Онлайн аукцион савдоларида давлат мулки объектларини сотиб олган харидорлар билан шартномалар савдо натижаси бўйича баённома асосида «Е-auction» электрон савдо платформасида электрон шаклда (шу жумладан, ЭРИ орқали) расмийлаштирилади;

Ҳар чорақда тегишли вазирлик ва идоралар ходимларининг жойига чиққан ҳолда инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини оралиқ мониторинг қилиш тартиби бекор қилинади.



Судланганлик муддати ўтганлиги ҳақида маълумот – онлайн тарзда шакллантирилади

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг «Тезкор маълумотлар» ягона ахборот тизимида автоматик равишда онлайн шакллантирилади;

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланганлиги ҳақидаги маълумотнома судланганлик муддати тугаган ёки судланганлик олиб ташланган сананинг эртасидан кечиктирмасдан тегишли шахснинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига автоматик равишда бепул юборилади.



Ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни ўрганиш бошланади

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциялари ҳокимликлар билан биргаликда:

Республиканинг сейсмик фаол зонасида жойлашган сейсмик хавфсизлиги III-IV тоифага кирувчи кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларда (зинапоя йўлаклар, чордоқ ва умумий фойдаланишдаги ошхоналарда) ўзбошимчалик билан қурилган конструкцияларни;

кўп квартирали уйларнинг, шу жумладан уларнинг ертўла ва биринчи қаватидаги зилзилабардошликка таъсир қилувчи конструкцияларга ўзбошимчалик билан киритилган ўзгартиришларни аниқлаб боради.



Тамаки ва пиво савдоси соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари соддалаштирилмоқда
Тамаки маҳсулотининг улгуржи ва чакана савдоси,

пиво маҳсулотининг улгуржи савдосини хабардор қилиш тартибида амалга оширишга рухсат берилди.



Ички аудит хизмати ходимларига талаблар кучайтирилмоқда

Ички аудит хизмати ходимининг малакаси ички аудит миллий малака сертификати орқали тасдиқланади.

Ички аудит бўйича миллий малака сертификати эга бўлмаган шахсларни Инспекция ва ички аудит хизматларининг ходими лавозимига ишга қабул қилишга ҳамда уларнинг ушбу тизимларда фаолият юритишига йўл қўйилмайди, бундан халқаро сертификатга эга бўлган шахслар мустасно.



Экология вазирлигининг стипендияси жорий этилмоқда

Олий таълим муассасаларининг «Экология», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш», «Ўрмончилик», «Яшил иқтисодиёт» ва «Гидрометеорология» ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларидаги энг иқтидорли талабалари учун Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири стипендияси таъсис этилади.



Айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича хабар берганлик учун – пул мукофоти

Аҳоли томонидан Энергетика вазирлигининг махсус ахборот тизимига юборилган электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахслар пул мукофоти билан рағбатлантирилади.





Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг бутун асоси бўлмиш миллий давлатчилиги, ҳуқуқий тизими қайтадан яратилди. Халқимизнинг маънавияти камол топмоқда. Конституция янги таҳрирда қабул қилинди. Тарихимизда илк бора Ўзбекистон – ижтимоий давлат, деб белгиланди. Яъни, инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани Конституцияда яна бир бора таъкидланди.

Муҳтарам Президентимиз шундай деган эдилар: "Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳалқилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётида мутлақо янги даврга қадам қўймоқдамиз".

Янгиланган Конституция қабул қилиниши билан Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратилгани қайд этилди. Бугун халқимиз интилаётган ана шу буюк мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимиз аввало ушбу пойдеворга таяниб, ҳаракат қилмоғи лозим.

Кучли ижтимоий сиёсат – фаровон турмуш асосидир. Бизга маълумки жамиятнинг юксак интеллектуал салоҳияти мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Таълимга инвестиция киритиш – бу келажакка сармоя тикишдир. Бундан халқнинг ҳаёти фаровонлашади, давлатнинг жамиятда рақобатбардошлиги таъминланади.

Юртимизда яшаётган ҳар бир инсонга тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, яхши таълим олиши, ўзи хоҳлаган касбини эгаллаши, оиласини тебратиши учун шароитлар яратиб берилган, буни давлатимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсатида ҳам кўришимиз мумкин. Конституциямизда инсон қадрли ва шаънини ҳимоя қилиш, ўқитувчи мақомини улуғлаш, уларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, уларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлиши қатъий белгиланди, ёшларнинг таълимига эътибор бериш ҳақидаги фикрлар қонун билан мустаҳкамланди.

Барча ватандошларимиз Ўзбекистонда бўлаётган ижтимоий ўзгаришларга бефарқ эмас. Хусусан, янгиланаётган Конституциянинг 52-моддасида: "давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши ҳақида ғамхўрлик қилади", деган жумлалар барча педагогларни жуда ғурурлантирди. Таълим соҳасида фаолият олиб бораётган шахсларнинг Конституция даражасида ҳимояланиши янги Ўзбекистонда инсонга эътибор ва сифатли таълим яратиш йўлида қилинаётган ислохотлардан далолатидир.

Янги таҳрирдаги Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтирилди. Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 минг нафардан ортиқ ўқитувчининг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий

ва моддий қўллаб-қувватланиши уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ўқитувчиларни турли ишларга жалб қилиш ўз фаолияти билан шуғулланишга имкон бермаслик ўқитувчиларнинг руҳиятини тушиб кетишига сабаб бўлган эди. Нафақат бу, ўқитувчилар йиллар давомида таълим билан боғлиқ бўлмаган билан ишлар билан шуғулланиши ўқитувчи касбининг обрўини тушиб кетишига, ушбу касбни иқтидорли ёшларимиз танламай қўйишига сабаб бўлгани сир эмас. Мана кейинги йиллар мобайнида бу ҳолатлар секин-аста йўқотилиб, ўқитувчи яна энг обрўли шахсга айланганлиги мумкин. Унинг мақомини тиклаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиши тубдан бу касбга бўлган муносабатнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Ўқитувчининг фаолияти, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиниши шахсан Президентимиз томонидан Конституция даражасига чиқарилиши албатта ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Бу фидойи касб эгалари – ўқитувчиларимизни хурсанд қилмасдан қўймайди.

Бизга маълумки илғор таълим, ёруғ келажак, бағрикенглик ва инсонпарварлик сари йўл очади. Ёшларни юксак ахлоқли ва интизомли қилиб тарбиялаш, уларнинг сифатли таълим олиши ва ватанпарварлик руҳида вояга етиши мамлакат иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг калити ҳисобланади.

Давлат раҳбари ҳам ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимизни, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни кўпчилик бўлиб ҳал этишимиз кераклигини таъкидланганлар.

Ўзбекистон инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади инсон капиталини тараққий эттиришдир. Ушбу ҳужжатда 2030 йилга бориб Ўзбекистонни Глобал инновацион рейтингда жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатига қаторига киритиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Ўз-ўзидан маълумки тез ўзгариб, тез ривожланаётган дунёда тил биладиган, касбини пухта эгаллаган, креатив фикрлайдиган ва шу билан бирга замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ёш авлодгина ҳаётда муносиб ўз ўрнини топа олади. Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшлар 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Бу мамлакатимизда инсон капиталига инвестиция йўналтириш зарурати жуда катта ҳажмда бўлиши кераклигини англатади.

Маълумки, инсон капиталли қобилияти, малака ва мақсадлар жамламаси бўлиб, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ҳамда ижро органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бутун дунёда инсон капиталига жиддий эътибор қаратилади.

Ҳар қандай давлат ва жамиятнинг мушкул вазиятдан халос бўлиши, юксалиши ва халқи фаровонлиги бевосита сифатли таълим кафолатлангани ҳамда унинг амалда таъминланиши билан боғлиқ. Шу ўринда инсон капиталли масаласига миллий миқёсда эътибор қаратиш ҳам муаммони ҳал этишнинг самарали ечими бўлиши шубҳасиз. Ўз даврида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан танг аҳволга тушган Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатлар айнан сифатли таълим ва инсон капиталига етарли эътибор қаратгани боис, вазиятдан чиқишни удралаб, ривожлангани ва фаровон ҳаёт тарзига эришгани амалий мисолдир.


Янги ривожланаётган Ўзбекистонимиз ҳам бу жараёнлардан мустасно эмас. Инсонларда бугунги кунда дунёқараш ўзгармоқда. Бугунги кунда инсон капиталининг моҳиятини ҳар бир юртдошимиз англаб етмоқда. Шунинг учун бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас, деб айтишга барча асосларимиз бор деган эди давлат раҳбари ўз маърузасида. Юртдошларимиз инсон капиталининг зарурати, аҳамияти ва нафани тушуниб етмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир ота-она ўзининг топган тугганини орзу-ҳавасларга эмас, балки боласини билимли қилишга сарфламоқда. Бундай ҳаракатлар қилишга албатта асос бор. Бизга маълумки илғор таълим, ёруғ келажак, бағрикенглик ва инсонпарварлик сари йўл очади. Ёшларни юксак ахлоқли ва интизомли қилиб тарбиялаш, уларнинг сифатли таълим олиши ва ватанпарварлик руҳида вояга етиши мамлакат иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг калити ҳисобланади. Юртдошларимиз ён-атрофга қараб мулоҳаза юритмоқда. Ёшларимизнинг қўлга киритган ютуқлари уларни хурсанд қилмоқда. Масалан:

Жорий йилнинг 3-11 июль кунлари Бирлашган Араб Амирлигида Халқаро Биология олимпиадаси (ИБО-2023) бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси 3 та бронза медални қўлга киритди. Беҳруз Турсунов – Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 274-мактабнинг 11-синф ўқувчиси; Ғолибжон Шарифов – Бухоро вилояти, Когон тумани, 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси; Муҳаммадиброҳим Эгамбердиев – Тошкент педиатрия-тиббий институтининг академик лицейининг 2-курс ўқувчиси. Мазкур олимпиада БААнинг Ал-Айн шаҳрида бўлиб ўтиб, унда 80 мамлакатдан жами 310 нафар ўқувчи иштирок этган. Инсон капиталига эътиборнинг натижаси бу!

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" деган бош ғояни остида юртимизнинг 32 йиллигини қаршилаётган ҳамюртларимиз учун, бугунги кунда юртимизда ижтимоий тенгликни таъминлаш, сифатли таълим бериш келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларни салоҳияти, иқтидори ва қобилиятини юзага чиқариш аҳамиятли долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Раҳбар ХОЛИҚОВА,
тарих фанлари доктори, профессор

ДЕПУТАТЛИК КАСБ ЭМАС



Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нодира ГАЙБНАЗАРОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир:

“Норасмий бандликдан расмий бандликка ўтиш, ҳар бир меҳнат қилаётган инсоннинг меҳнат муҳофазаси таъминланган бўлиши ҳаёт фаровонлигини таъминловчи омиллардан бири. Хотин-қизлар ва эркеклар учун меҳнат ҳуқуқларида тенгликни таъминланишига эришиш олдимиздаги вазифаларимиздан биридир. Чунки бугунги кунда камбағаллик давлат томонидан тан олинган экан ва уни бартараф этиш чоралари орасида бандлик масаласи муҳим ўрин тутди”.

Депутат – бу халқ вакили. Шундай экан, масъул мутасадди инсон сифатида мамлакатдаги ижобий ислохотлардан халқни хабардор этиш, уларнинг муаммоларини тегишли масъулларга етказиш ва ечимини назоратга олиш бугуннинг долзарб масалаларидан бири.

Сўнги йилларда камбағалликни бартараф этиш бўйича дунёда аналогич бўлмаган тизим барпо этилди, буни ҳатто халқаро ҳамжамият ҳам тан олмақда. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар” каби тизимнинг жорий этилиши ва ҳозирда рақамлаштирилган ҳолда, барчаси бир тизимга интеграциялаштирилиб, ягона “Ижтимоий ҳимоя” реестри орқали эҳтиёжманд аҳоли ҳақида маълумотлар жамланиб, уларга манзилли кўмаклашишга яратилган имкониятлар алоҳида эътирофга сазовор.

Мамлакатимиз раҳбари жорий йил 25 январда ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Камбағалликни қисқартиришнинг асосий омили бу – аҳолини даромадли иш билан таъминлашдир”, деб барчамиз учун бош мезонни белгилаб бердилар. Шундан келиб чиққан ҳолда бу йил хотин-қизларга амалий ёрдам бериш ишлари ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Биз ҳаммамиз 2020 йилдан бери муҳтарам Президентимизнинг хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича берган топшириқлари ижроси юзасидан биргаликда шуғулланиб келмоқдамиз. Хусусан, 2020-2022 йиллар давомида “Аёллар дафтари” тизими доирасида кўплаб эҳтиёжманд хотин-қизларга амалий ёрдам берилди. Жумладан:

1-босқичда 430 минг 275 нафар хотин-қизга амалий ёрдам берилди.

2-босқичда 450 минг 870 нафар хотин-қизга амалий ёрдам берилди.

3-босқичда эса 641 минг 816 нафар хотин-қизга амалий ёрдам берилди.

Умуман олганда “Аёллар дафтари”нинг олдинги босқичлари доирасида 1,5 млн.дан ортиқ хотин-қизларга ёрдам бериб, уларни ўз ҳаёти, давлати ва Президентидан рози бўлишига кўмаклашдик.

Ушбу ишларга муҳтарам Президентимиз ажратиб берган 3 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бу ёрдамлар орқали ҳар бир эҳтиёжманд хотин-қизларимиз “Президент меҳри”ни ҳис этмоқда, десам муболаға бўлмайди.

Амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз, албатта ҳаммамизники. Бирок, олдимизда ундан ҳам каттароқ вазифалар турибди. Жорий йилда “Аёллар дафтари”нинг 4-босқич ишлари бошланди.

“Аёллар дафтари” билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун ҳар бир вилоят ва туман (шаҳар)га касаба уюшмаларидан жами 500 нафардан ортиқ масъул бириктирилган эди.

9 минг 397 та маҳалланинг ҳар бирида 8 нафар ходимдан, жумладан маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари ҳамда туман (шаҳар) ташкилотлари вакиллари иборат ишчи гуруҳлар маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, анкета-сўровномалар асосида 30 ва ундан катта ёшдаги 7,7 млн.дан ортиқ хотин-қизларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказди ва муаммоларини ўрганди.

2022 йил давомида “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 3-босқичида 6 та тоифа бўйича “Аёллар дафтари”га киритилган жами 644849 нафар хотин-қиздан 641816 нафарининг (99,5 %) муаммолари ҳал этилди. Тошкент шаҳрида 98005 нафар хотин-қиз мазкур дафтарга киритилган бўлиб, улардан, 17265 нафар 1-тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизнинг 4856 нафарига, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 334 нафар хотин-қизнинг элликка яқинига, 32859 нафар боқувчиси бўлмаган хотин-қизнинг ярмидан кўпига манзилли ёрдамлар кўрсатилган. Сизу бизнинг қилаётган ишларимиз натижаси юқорида қайд этганимиз, айрим муаммоларини ҳал қилиш орқали уларни одамлар ўз ҳаёти ва давлатидан рози бўлишида кўринади. Олдинда белгиланган вазифалар бисёр.

Мақсадимиз миллионлаб опа-сингилларимиз ва уларнинг оилалари тақдирини янада яхшилаш, уларнинг ҳаётига ёруғлик ва розилик олиб киришга қаратилган. Халқ розилигини олиш учун хизмат қилиш ўз Ватанига садоқат билан хизмат қилиш истагида бўлган ҳар бир инсоннинг бурчи, деб ҳисоблайман. Буни тўғри тушунган ҳолда, бор имкониятларимизни ишга солишимиз керак. Шундай экан, ўз Ватанимга, халқимизга хизмат қилишни, касбимни сидқидилдан адо этишни ва энг муҳими одамлар розилигини олишни ўзим учун шараф деб биламан. Шундагина халқимиз ишончини оқлаган бўламиз.

Бугун мамлакатимизда депутатлар кўпчилигини ташкил этади. Тан олиш керак, уларнинг фаолияти ҳар доим танқид остида. Лекин беш қўл баробар эмас. Бугун биз сизга ИШЛАЙДИГАН депутатлар фаолияти ҳақида қисқача маълумотларни тақдим этамиз.



Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ҳабибулло ОҚИЛОВ, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори:

“Депутатлик – одамларнинг ишончи демакдир. Шу ишончини оқлаш учун қонунларимизда халқ ноибларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу билан бир қаторда дахлсизлиги ва фаолиятининг асосий кафолатлари белгилаб қўйилган. Депутат – бу халқ ва ҳукумат ўртасидаги ҳам кўприк ҳам халқ томонидаги назоратчи”.

Фаолият деганда умуман ўзингиз сайланган округ учун, маҳалла учун нима қилганингиз, қила олганингиз тушунилади. Сизга маълумки менинг асосий касбим шифокорлик бўлгани учун энг кўп мурожаат аҳолимизнинг соғлиги билан боғлиқ муаммолар келиб тушади. Фаолиятимиз давомида юздан ортиқ шундай мурожаатларни тўғри ҳал қилдик, десам муболаға бўлмаса керак. Бу инсонларни исм-фамилияларини айтиб ўтириш бироз эриш туюлади. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек тумани “Ал-Фаробий” МФЙ ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар яқинида 4 та болалар майдончаси қуриш учун 371 000 000 (уч юз етмиш бир миллион) сўм, “Хумоюн” МФЙ ҳудудида ташкил этилган янги боғда суғориш тизими учун икки дона насос қурилмасини ўрнатиш учун 151 000 000 (бир юз эллик бир миллион) сўм, “Тракторсозлар” МФЙ ҳудудида жойлашган 2-сонли давлат мактабгача таълим муассасасининг спорт майдончаси, ташқи ҳовли болалар майдончаси ҳамда ўриндиқларни жорий таъмирлаш учун 1 352 718 825 (бир миллиард уч юз эллик икки миллион етти юз ўн саккиз минг саккиз юз йигирма беш) сўм, жами 1 874 718 825 (бир миллиард саккиз юз етмиш тўрт миллион етти юз ўн саккиз минг саккиз юз йигирма беш) сўм депутатлик фондидан ажратиб, ташаббус кўрсатдик. Биз доимий равишда маҳалла раислари билан мулоқот қиламиз, аҳолимизнинг яхши-ёмон кунларида бевосита иштирок этишга ҳаракат қиламиз.

Мурожаатларнинг асосий қисмини сайлов округи инфратузилмасини яхшилаш, уй-жой олиш, ижтимоий иқтисодий оғир аҳволдаги аҳоли қатламига моддий ёрдамлар беришни ташкил қилади.

Юқорида санаб ўтганларимиздан ташқари, келиб тушган мурожаатларнинг 8 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, 20 дан мурожаат бевосита ижобий ечим топган, 4 та мурожаат юзасидан масъул ташкилотларга ваколат доирасида депутатлик сўровлари юборилиб, назоратга олинган ҳолда ижроси таъминланган.

Бундан ташқари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг тегишли доимий комиссияси билан ҳамкорликда, “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорининг ижроси бўйича масъулларнинг ҳисоботлари тингланиб, зарур тавсиялар бериб борилмоқда.

Депутатлик касб эмас балки, худо томонидан юқтирилган халқни ва ўзингизни ичингиздаги ҳиссиётларни фаолият даражасида амалга оширувчи амалиёт деб тушуниш мумкин, чунки ҳар бир касб эгаси депутат бўла олиши мумкин. Фаолиятдан қониқиш, менда доимо ўз ишимдан қониқмасдан янада яхшироқ қилиш ҳисси доим устун туради.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади

ТАЛАБАЛАР УЧУН

пойтахтда ётоқхоналар етарли...ми?



Талабаларни турар жой билан таъминлаш ва компенсация олиш тизими янгиланди. Бу қанчалик қулай?

Талабалар турар жойи. Бу вилоятдан пойтахтга илм излаб келган ҳар бир ёш учун оғриқли масалалардан бири, десак муболаға бўлмайди. Чунки талаба учун турар жой нафақат бошпана, балки илмий изланишлар олиб борадиган ижодхона ҳамдир.

Хўш, янги ўқув йилида талабаларни ётоқхона билан таъминлаш масаласига қандай эътибор қаратилмоқда?

Айтиш жоизки, эндиликда талабаларни турар жой билан таъминлаш тизими рақамлаштирилиб, уларга қатор энгилликлар берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизimini такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан давлат ОТМлари талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Қарорга кўра 2023/2024-ўқув йилида:

1-курс талабалари учун давлат ОТМларининг талабалар турар жойига жойлашиш давлат хизмати марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали бепул электрон ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Аризалар қабули 20 августдан бошланди. Бунда талабалар билан тузиладиган турар жой ижара шартномалари давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) технологияси орқали онлайн ҳисобга қўйилади. Ҳамда юқори курс талабаларини турар жойига жойлаштириш анъанавий тарзда амалга оширилади. Талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза ОТМ ётоқхоналарига жойлаштириш комиссиясига топширилади.

Шуни айтиш жоизки, ётоқхона бошқа ҳудуддан келиб ўқиётган ва ўқиш жойида ўзининг ёки ота-онасининг уйи бўлмаган талабалар учун берилади.

Бу борада янада аниқроқ ва келгусида талабалар учун қилинаётган лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот олиш учун **Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги матбуот котиби Назокат АБДУҚУНДУЗОВА** билан суҳбатлашдик.

– Қандай талабалар учун ётоқхонага жойлашишда устунликлар мавжуд?

– “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабалар, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий

ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”да турадиган талабалар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган талабалар, бир оиладан бакалаврият босқичи кундузги таълим шаклида икки ёки ундан ортиқ тўлов-шартнома асосида ўқиётган оилалар фарзандлари, халқаро фан олимпиадалари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган республика фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган талабалар, “Йил талабаси” ва “Талабалар театр студиялари” кўрик-танловларининг республика босқичи ғолиби бўлган талабалар, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйинининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган талабалар, талабалар турар жойида талабалар кенгаши раиси, қават сардори бўлган талабалар биринчи навбатда ётоқхона билан таъминланади.

– Талабалар турар жойини қўпайтириш бўйича қандай лойиҳалар амалга оширилмоқда?

– Ўзбекистонда 38 минг ўринли 83 та талабалар турар жойларини барпо этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида 23 минг 494 ўринли 50 та, олийгоҳ ва бюджет маблағлари ва олийгоҳларнинг тўлиқ ўз маблағлари ҳамда инвестиция дастури доирасида 10 минг 660 ўринли 21 та талабалар турар жойлари қурилиши учун зарур маблағлар ажратилди.

2023 йил якунига қадар республика бўйича 18 минг ўринли талабалар турар жойларини фойдаланишга топшириш вазифаси белгиланган ва йил якунига қадар улар тўлиқ қуриб битказилади. 2023 йил 1 июль ҳолатига 4 минг 702 ўринли 12 та талабалар турар жойлари фойдаланишга топширилди. Айтиш пайтда 24 минг 394 ўринли 51 та талабалар турар жойлари қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойида, яъни, янги ўқув йили бошланишига қадар республика бўйича жами 6 минг 400 ўринли 11 та талабалар турар жойлари фойдаланишга топширилади.

Шундан Тошкент шаҳрида Талабалар шаҳарчаси ҳудудида жами 3 та 1 800 ўринли (Ўзбекистон миллий университети учун 1 та 400 ўринли, Тошкент давлат техника университети учун 1 та 800 ўринли ҳамда Тошкент тиббиёт академияси учун 1 та 600 ўринли) талабалар турар жойларида қурилиш, таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилади.

– Хўш ижарада турувчилар учун қандай компенсация яхшиланди?

– Ҳукуматнинг тегишли қарорига мувофиқ талабаларга ойлик ижара тўловининг бир қисми ижара шартномасининг суммасидан қатъи назар қуйидагича белгиланди:

Тошкент шаҳрида – БҲМнинг бир баравари (330 минг сўм);

қолган ҳудудларда — БҲМнинг ярим баравари (165 минг сўм).

Ижара тўловининг бир қисмини қоплаш учун талабаларга қўйиладиган бир қатор талабалар бекор қилиниб, талабгорни аниқлаш мезонларини белгилаш ваколати ОТМдаги комиссияга берилди. Бу орқали ҳақиқатда ижарага эҳтиёжманд бўлган талабаларнинг имтиёздан фойдаланиш имконияти оширилади. Шунингдек, 1-босқич талабаларига сентябрь ва октябрь ойлари учун ижара шартномаси талаб этмасдан ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби жорий этилди.

– Ижара уйларига бўлган эҳтиёж ҳақида гапирсангиз.

– Ҳозирда ижара уйларига бўлган эҳтиёж энг юқори бўлган ва янги ўқув йили бошида муаммо юзага келадиган Тошкент шаҳрида талабаларни турар жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтиш пайтда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган талабалар ётоқхонаси мавжуд 31 та давлат олий таълим муассасаларида жами 272 минг нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг 159 минг 732 нафари кундузги таълим шаклида ўқийди. Ушбу талабаларнинг 68 минг 400 нафари ёки 43 фоизи ўз уйи ва яқин қариндошлари уйида истиқомат қилади.

Сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида талабалар турар жойларини тарқатиш, тақсимлаш жараёнида навбатлар ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида белгиланган тартиб ва мезонларга мувофиқ юқори курс талабаларига ётоқхоналар олдиндан (1-босқич талабаларига ТТЖдаги ўринларнинг 60 фоизини сақлаб қолган ҳолда) тақсимланди.

Талабалар уйида қаттиқ тартиб бор. Бу барча ётоқхонада турганлар учун аён. Аммо, ишловчи йигит-қизларимизга бу тартиб бироз ноқулайликлар келтириши мумкин. Бирор қариндошингиз ёки байрамга бориб кеч қоладиган бўлсангиз кириш муаммо ҳамда исталган соатингизда тушиб дарс қила олмайсиз (асосан кечаси). Яъни маълум белгиланган вақтдан ташқарида кириш тақиқланган. Тўғри буларнинг барчаси мукамал ўйланган қоидалар. Тартибни қатъий сақлаш ва муаммо келиб чиқмаслигининг олдини олиш учун ўйланган аслида.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бу ўзгаришлар ва қулайликларнинг барчаси сизу биз каби ёшларни ўйлаган ҳолда татбиқ этилган. Ноқулайликларига тўхталадиган бўлсак ҳамма жойда ҳам кичик камчиликлар бўлади. Муҳими тўғри йўлда эканлигингиз!

Дилнура МАМАСАФОЕВА тайёрлади

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНМОҚДА

Кўпчиликка маълум сентябрь ойдан бошлаб шаҳримиз театрларида янги мавсум бошланади. Шу муносабат билан пойтахтда жойлашган театр масъуллари билан боғланиб, мавсум қачон ва қайси спектакллар билан очилиши ҳақидаги саволларга жавоб олдик.

Асқар ХОЛМУМИНОВ,
Ўзбек Миллий Академик
драма театри режиссёри:
– Бу мавсум қайси
санада қайси асар билан
бошланади?

– Театримизда бу йилги мавсум 3 сентябрь куни Усмон Азимнинг “Адолат фасли” асари билан бошланиши кутилмоқда.

– **Режиссёр ва бош роль ижрочилари кимлар?**

– Асарга мен ва Бахтиёр Тўраев режиссёрлик қилаямиз. Шунингдек, Амир Темурида Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, Мир Саид Барака ролида Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров, Хонзодабеги ролида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилноза Кубаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асадилло Набиев Мироншоҳ ролида кўриниш бериши кутилмоқда. Бундан ташқари, томошабинлар ушбу спектаклда Фарҳод Абдуллаев, Маҳмуд Исмоилов, Ҳожиакбар Комиловларнинг ҳам ижроларидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Шу билан бирга сентябрь ойи охирида Бобур юбилеи муносабати билан Бобур асари премьераси ҳам режалаштирилган.

Анвар ТАЛИПОВ,

“Дийдор” театр-студияси директори:

– Бу мавсум “Дийдор” театр-студиясида қайси санадан бошланади?

– Янги мавсум 7 сентябрь куни “Майсаранинг иши” асари билан бошланади. Асарга Бобур Йўлдошев режиссёрлик қилмоқда. Бош ролларни эса Хуршида Арабшоева, Анвар Ҳамроқулов, Фарҳод Зокиров ва Севинч Далабоевалар ижро этишади.

Сардор МАНСУРОВ,

Ўзбекистон давлат драма театри директори:

– Мавсум очилиши қайси санада бўлиб ўтади?

– Театримиз 8 сентябрь куни Олимжон Салимов режиссёрлиги остида “Жинлар базми” спектакли билан мавсумни бошлайди.

Илҳом ЮСУПОВ,

Ўзбекистон Давлат Сатира театри труппа бошлиғи:

– Сатира театри янги мавсумни қайси санадан бошлайди?

– Театримиз 5 сентябрь куни ўзининг 37 мавсумини бошлайди. “Афандининг беш хотини” асарини “Беш хотиннинг Афандиси” номи билан Жўрабек Рўзметов режиссёрлиги остида саҳналаштиряпмиз. Бош ролларни эса Бауржон Айтмаганбетов, Раъно Мирзаева, Ойгул Эгамбердиевалар ижро этишади.

Барот ҲАСАНОВ,

Ёш томошабинлар театри режиссёри:

– Ёш томошабинлар театрида янги мавсум қайси санага режалаштирилган?

– Театримизда кўплаб театрлар каби 1 сентябрь “Очиқ эшиклар куни” ҳисобланади ва айнан шу Ўзбек халқ эртақлари асосида “Олтин тарвуз” спектакли намойиш этилади. 15 сентябрь куни эса “Зумрад ва Қиммат” спектакли билан мавсумни бошлаймиз. Шунингдек, янги мавсумда янги йилгача иккита спектакль премьерасини тайёрлапмиз. Булар – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг болалигига бағишланган “Боқий чинор” асари бўлиб, яна бири Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда саҳналаштирилаётган “Game over” спектаклидир.

Фарҳод ЖўРАЕВ,

Ўзбекистон Ёшлар театри директори:

– Ёшлар театрида янги мавсум очилиши қайси санага режалаштирилган?

– Айни кунларда театримизда реконструкция ишлари олиб борилаётганлиги

боис мавсум очилиши бироз кечикмоқда. 15 октябрь куни Қодирийнинг репрессияга учраши ва унинг қатағон қилиниши ҳақида ҳикоя қилувчи “Шоирни тингланг” (“Послушайте поэта”) спектакли билан театримизда янги мавсум очилиши кутилмоқда.

Икром ЭРҚУЛОВ,

Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри адабий бўлим бошлиғи:

– Кўғирчоқ театри бу мавсумни қайси санада бошлайди?

– Ўтган йилги бўлгани каби бу йил ҳам театрими мухлисларини кўплаб янгиликлар кутмоқда. Жумладан, 3-10 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрига катта гастрол сафари билан С.В.Образцов номидаги Москва Давлат академик марказий кўғирчоқ театри ташриф буюради. Бу иждодий сафар Россия Федерацияси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги кўмагида Халқаро “Россия мавсумлари” маданий дастури лойиҳаси асносида ўтказилади. Россиянинг дунёга машҳур бўлган бу театри Тошкентда турли жанр ва ёш тоифалари учун бешта спектаклни намойиш этадилар. Ушбу саҳна асарлари Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри саҳнасида ва “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтади. Бу жамоа 2018 йилда Ўзбекистоннинг илиқ ва меҳмондўст томошабинлари билан учрашиш бахтига муяссар бўлган. Бу гал шаҳримиз томошабинлари театрининг афсонавий ташриф қоғозига айланган, барча замонлар ва халқларнинг хити ҳисобланган – “Ғаройиб концерт”ни томоша қилишади. Театр мухлислари учун шунингдек, кўғирчоқ мўъжизалари билан йўғрилган қизиқарли режиссёрлик топилмаларига тўла “Али бобо ва қирқ қароқчи”, меҳр-оқибат, эзгулик, дўстлик ҳамда муҳаббат туйғуларини, фазилятларини акс эттирувчи “Қуёш нурчаси”, сувда намойиш этиладиган катта кўғирчоқлар шоуси ҳисобланган “Турандот” томошаси ва урта фалсафий асарни ўзида мужассам этган “Кекса сенёр” спектакларини томоша қиладилар.

Зилола ШАРИПОВА,

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори ўринбосари:

– Театр бу мавсумни қайси санадан бошлайди?

– Театримиз ўзининг 94 мавсумини 9 сентябрь куни очиб осмон остида Навоий Катта театри қаршисидаги Фонтан майдонида “Кузги севги симфонияси” – ҳашаматли шоу билан бошлайди.

Юлдузли меҳмонлар орасида Вероника Джиеова (Россия), Мариинский театрининг энг ёрқин солистларидан бири Ариунбаатар Ганбаатар (Россия, Мўғулистон), Прага миллий театрининг солисти ва халқаро танловлар лауреати, сеҳрли овози билан кўплаб мамлакатларнинг томошабинларини мафтун этган Вероника Хейнова (Чехия), Шунингдек, сеvimли солистларимиз ва маэстро Ерболат Ахмедяров (Қозоғистон) бошчилигидаги театрими жозибали симфоник оркестри очилиш маросимида иштирок этишади.

Достон ҲАҚБЕРДИЕВ,

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри бош режиссёри:

– Муқимий театри янги мавсумни қайси санада бошланиши режалаштиряпти?

– Театримизда 1 сентябрь куни “Очиқ эшиклар куни” бўлиб ўтади ва «Усмон Носир» спектакли қўйилади. 10 сентябрь куни эса янги мавсум очилиши бўлиб ўтади. Мавсум “Ёшлик соғинчи» концерт дастури билан очилади. Шунингдек, янги мавсумда Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» мусиқали драмаси премьераси ҳам бўлиб ўтади. Бундан ташқари, йил давомида бир қатор янги спектакллар саҳналаштирилиши кутилмоқда. Жумладан, Қўчқор Норқобилнинг ўқитувчилар ҳақидаги “Бизга мактаб керак ёхуд Замон Авлонийси” асари ҳамда Алишер Навоийнинг “Сабаъи сайёр” мусиқали балет спектакллари саҳналаштирилади.

Миржалол МАҲКАМОВ

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Тарихий адолатни тиклаш, мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулки мусодара этилиб, ўзлари қувғину қатағонга дучор этилган аждодларимиз номини оқлаш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишига биноан жорий йилнинг 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида мустабид совет тузumi даврида қатағон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган бир гуруҳ шахсларга оид жиноят ишлари апелляция тартибида Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг очик суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Маълумки, Фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этилган. Шунинг баробарида қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган, уларнинг номларини аниқлаш борасида изланишлар кўлами кенгайтирилиб, масъулларга вазирлик ва идораларнинг идоровий архивларидан фойдаланиш имконияти яратилган. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра реабилитация қилинмаган қатағон қурбонлари номларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш белгиланган. Бундан ташқари, Олий судда муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмаган қатағон қурбонларининг номларини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Ишчи гуруҳнинг изчил фаолияти, кўламли саъй-ҳаракати туфайли кейинги йилларда мустабид тизим даврида қатағон қилинган 616 нафар ватандошимиз реабилитация қилиниб, оқланди.

Кунги кеча Олий судга Учлик Кенгашининг махсус йиғилиш қарорларига кўра, 1929-1931 йилларда ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида босмачилик ҳаракати аъзолари бўла туриб, қуролли тўда тузишиб, совет ҳукуматига қарши қуролли кўзғолон ёки аксининқилобий мақсадларда ҳаракатларни амалга оширганликда айбланган Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР фуқаролари бўлган 240 нафар шахсга оид 5 та жиноят иши келиб тушиб, ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди.

Бош прокурор ўринбосари томонидан юқорида кўрсатилган жиноят ишлари юзасидан Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция протестини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномалар ҳамда апелляция тартибида протестлар келтирилди. 2023 йил 24 август куни очик суд мажлисларида ушбу илтимосномалар ва протестлар кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан жами 5 та жиноят иши бўйича 240 нафар шахсга нисбатан Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг оқлов ҳукми чиқарилди. Рўйхатдагиларнинг 62 нафари Қозоғистон ССР фуқароси ҳисобланади. Шу аснода адолат қарор топди, йиллар мобайнида юзага чиқмай келган ҳақиқат тантана қилди. Мустақиллик йўлида фидокорона кураш олиб борган, ҳатто ўз жонини фидо қилган қатағон қурбонларининг пок номлари халқимиз қалбида мангу яшайди.

Шу ўринда Қозоғистон ССР фуқароларининг жиноят ишлари нега бизнинг суд орқали кўриб чиқилди, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Шу ва шунга ўхшаш саволларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Шамсиддин ТОЖИЕВ жавоб берди:

– Кўпчиликка маълум ўша йилларда Учлик Кенгаши мавжуд бўлиб, унга Қозоғистон Республикаси ҳам аъзо бўлган ва биргаликда дини, мустақиллиги учун ҳаракат қилган. Суднинг ҳуқуқий нормаларига асосан айбланувчи қаерда жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, ўша ҳудуднинг суди орқали оқланиши мумкин. Ушбу рўйхатдагилар ўзларининг юртида ҳам оқланган ҳисобланади. Уларга етказилган моддий ва маънавий зарар масаласи эса Ўзбекистон Республикаси бюджети томонидан кўриб чиқилади.



2023 йил 24 август куни Олий суднинг ҳукми билан реабилитация қилиниб, оқланган қатағон қурбонларининг қисқача рўйхати

Ўрта Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси Учлик Кенгашининг 1932 йил 20 августдаги махсус йиғилиш қарорига кўра:

- 1) 1899 йилда Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ургут тумани Қизилбош қишлоғида яшаган Рахимов Мир Раҳмат Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 10 йилга концлагерга сургун;
- 2) 1901 йилда Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ургут тумани Қўзичи қишлоғида яшаган Джурраев Хамро Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 10 йилга концлагерга сургун;
- 3) 1904 йилда Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ургут тумани Қўзичи қишлоғида яшаган Миллибаев Сааткул Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 10 йилга концлагерга сургун;
- 4) 1895 йилда Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ургут тумани Терсак қишлоғида яшаган Юзбаев Абдуқадир Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 10 йилга концлагерга сургун;
- 5) 1908 йилда Чироқчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Чироқчи тумани, Купкан-Ягач қишлоғида яшаган Баймуротов Чоршамбе Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 10 йилга концлагерга сургун;
- 6) 1911 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Шаҳрисабз тумани, Қорабулоқ қишлоғида яшаган Кучаров Разак Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 10 йилга концлагерга сургун;
- 7) 1901 йилда Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ургут тумани, Холмат қишлоғида яшаган Мухаммадияров Мухаммади Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 10 йилга концлагерга сургун;
- 8) 1894 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Шаҳрисабз тумани, Жайраҳона қишлоғида яшаган Шукуров Кучар Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 10 йилга концлагерга сургун;
- 9) 1896 йилда Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ургут тумани Қўзичи қишлоғида яшаган Бабаев Намир Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 5 йилга концлагерга сургун;
- 10) 1901 йилда Чироқчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Чироқчи тумани Купкан-Ягач қишлоғида яшаган Ташев Ачил Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78-моддаси билан 5 йилга концлагерга сургун;

Рўйхатдан яна 230 нафар айбсиз, юртдошимиз ўрин олган. Бу оқланганларнинг бир қисмига холос. Шўролар ҳукумати даврида юз мингдан ортиқ халқимизнинг энг зиёли, маърифатли вакиллари қатағон қилинган. Уларни қатағон қилиш учун ҳеч қандай сабаб қидириб ўтирилмаган: “коммунизмга қарши”, “совет ҳукуматига қарши” каби баҳоналар билан отиб ташланган. Суд жараёнидан сўнг қатағон қурбонлари меросхўрларининг кўксига қайсидир маънода адолат шамоли теғди. Жараёнда иштирок этган ҳар бир инсон уларнинг кўзида чуқур қайғу ва шу билан бирга истиқлол неъматига шукроналик ҳиссини илғайди.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади

Ўзбек Миллий Мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли 2-тоифали хонандаси Солижонов Хушнуджон Хуршид ўғли номига 31.12.2023 йилгача берилган №093 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан 10.10.2008 йилда Турсунова Доно Анваровна номига берилган 5983-рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сергели тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан ўтган "ALL METALL CITY" масъулияти чекланган жамиятининг Ягона таъсисчисининг 22.08.2023 йилдаги 5-сонли қарорига кўра жамиятнинг устав фонди 4 226 210 000 сўмдан 3 026 210 000 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

| | | | | | | | |
|---|--|--|--|--|--|---|--|
| TOSHKENT OQSHOMI МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ | Мангизимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 49 | Телефонлар: Кабулхона (71) 233 61 10 Реклама (71) 233 28 95 | 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Маъбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган | “NISO POLIGRAF” МЧЖ босмахонаси. | Нашр учун масъул З. НАЗАРОВ | Тошпириш вақти 00:55 Тошпириш вақти 05:00 Буюртма - | |
| | Бош муҳаррир Севдо НИЁЗОВА | Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқ қилиши мумкин. “Тошкент оқшом” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт. | Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани, “Машъал” маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй | Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, қоғоз бичими А3 | Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди | | |